



САЙЛОВНИ КУЗАТИШ БЎЙИЧА ЧЕКЛАНГАН МИССИЯ Ўзбекистон Республикаси – Президент сайлови, 2015 йил 29 март

ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР ВА ХУЛОСАЛАР БАЁНОТИ

Тошкент шаҳри, 2015 йил 30 март – Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг расмий таклифи ҳамда ўз мандатига асосланган ҳолда ЕХХТ/ДИИХБ Сайловни кузатиш бўйича чекланган миссиясини (СКЧМ) 2015 йил 29 март куни ўтказиладиган Президент сайловини кузатиш учун сафарбар қилди¹.

Сайлов ЕХХТ доирасидаги мажбуриятлар, демократик сайловлар бўйича бошқа халқаро мажбуриятлар ва андазалар ҳамда миллий қонунчиликка риоя этилганлиги нуқтаи назаридан баҳоланди. Ушбу “Дастлабки натижалар ва хулосалар баёноти” сайлов жараёни яқунланишидан олдин тақдим этилди. Сайловлар бўйича якуний баҳолаш қисман сайлов жараёнининг қолган босқичлари қандай амалга оширилганлиги, жумладан якуний натижаларни сарҳисоб қилиш ва эълон қилиш, шунингдек сайловдан кейин келиб тушиши мумкин бўлган эҳтимолий шикоятлар ва мурожаатларни ҳал қилинишига қараб тайёрланади. ЕХХТ/ДИИХБ ўзининг кенг қамровли якуний ҳисоботини сайлов жараёни яқунлангач тахминан саккиз ҳафтадан сўнг тақдим этади ва унда тадбиқ этилиши мумкин бўлган тавсиялар ҳам ўрин олган бўлади.

ЕХХТ/ДИИХБнинг СКЧМ бўйича андазавий услубиётига мувофиқ миссия таркибига узок муддатли кузатувчилар киритилиб, қисқа муддатли кузатувчилар унинг ишида иштирок этмадилар. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ сайлов кунидаги жараёнларни атрофлича ва тизимли равишда кузатиб бормади, аммо муайян миқдордаги сайлов участкаларига ташриф буюрди.

ДАСТЛАБКИ ХУЛОСАЛАР

Амалдаги президент шахси сиёсий майдонда ҳеч бир ҳақиқий муҳолифатсиз устунлик қилди. Ушбу муҳит шароитида сайлов жараёнидаги доимий ҳуқуқий ва ташкилий камчиликлар ечилмасдан қолмоқда. Президентлик лавозими конституциявий равишда кетма-кет икки муддат билан аниқ чекланганлигига қарамай, Марказий сайлов комиссияси амалдаги президентни қонун устуворлигига зид равишда номзод сифатида рўйхатдан ўтказиб, унинг мустақиллигини шубҳа остига қўйди. Каттиқ чеклов остига олинган оммавий ахборот воситалари амалдаги президентга яққол афзаллик бермоқдалар. Овоз бериш ва уларни ҳисоблаш вақтида ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ кузатувчилари ташриф этган сайлов участкаларининг кўпчилигида сайлов комиссиялари муҳим ҳуқуқий низомларни эътибордан четда қолдирдилар. Бир неча сайловчилар номидан овоз бериш барча жойларда қўлланилганга ўхшайди ва сайлов комиссиялари кўп ҳолатларда натижалар бўйича баёнотларни тўлдиришда қийинчиликларга учрадилар.

¹ Ўзбекистон бўйича ЕХХТ/ДИИХБнинг барча аввалги ҳисоботлари билан қуйидаги манзил бўйича танишиш мумкин: www.osce.org/odihr/elections/uzbekistan

Сайлов тўғрисидаги ҳуқуқий-меъёрий асос демократик сайловларни ўтказишга имкон бермайди, чунки қатор низомлар ЕХХТ доирасидаги мажбуриятлар ҳамда бошқа халқаро мажбуриятлар ва андазаларга зид келади, қонунлар ва қўшимча қоидалар эса бир бирига зид келувчи меъёрларни ўз ичига олади. Мустақил номзод сифатида сайловларда иштирок этиш имконияти сўнги ўтказилган сайловлардан кейин бекор қилинган. Баъзи аввалги ЕХХТ/ДИИХБ тавсиялари низомларда инобатга олинган; шу билан бирга уюшмалар ва ифодага оид асосий эркинликлар самарали равишда чекланганлигича қолмоқда.

МСК барча қонуний муддатларга риоя қилди ва ўз фаолиятини умумий равишда очик равишда олиб борди, аммо қарорларининг барчасини ҳам оммага эълон қилгани йўқ. Сайлов тўғрисидаги қонунчиликни ойдинлаштириш ҳаракатида МСК қатор қоидаларни қабул қилди, улардан баъзилари фойдали равишда қонунга аниқлик киритдилар, лекин кўпчилиги бир бирига зид келувчи ёки тўлиқ бўлмаган ҳуқуқий низомларни такрорлаб келди, холос. Хотин-қизлар вакиллари сайлов бошқарув органларида камчиликни ташкил қилди, айниқса юқори даражаларда.

Сайловчилар рўйхатлари мамлакат бўйлаб турли усулларда, аниқ бир манзилда расмий рўйхатдан ўтганлик ёки ҳозирги вақтда яшаётганлик асосида тузилди. Тузиш усулидаги зиддиятлар сайловчилар рўйхатларининг аниқлигини шубҳа остига қўйди. Сайловчиларнинг ягоналаштирилган реестри мавжуд бўлмагани сабабли, рўйхатга кўп маротаба киритиш ёки хорижда истиқомат қилувчиларни киритиш ҳолатларини солиштирма текшириш имконияти бўлмади.

Сайловда иштирок этиш ҳуқуқи номзодлар фақатгина сиёсий партиялар томонидан тавсия қилиниши талаби билан, шунингдек номзоднинг мақбуллигига оид бошқа асосиз чекловлар, жумладан рўйхатдан ўтиш учун ҳаддан ташқари кўп миқдордаги қўллаб-қувватловчи имзолар кераклиги талаби билан чеклаб қўйилган. Рўйхатдан ўтган барча номзодлар эркаклардир.

Ташвиқот тадбирларининг кўпчилиги барча номзодлар учун тенг имкониятларни яратиш, жумладан ОАВлардан фойдаланиш ва учрашувлар ўтказиш, бўйича ҳуқуқий низомларни амалга тадбиқ қилиш шартига асосланган. Ҳар бир номзоднинг платформаси аҳолининг аниқ бир сегментига қаратилган бўлиб, мақсад этилган сайловчилар гуруҳининг манфаатларига урғу беради. Амалдаги президентнинг сиёсати ва эришган натижалари бошқа номзодлар томонидан ҳеч ҳам сўроқ остига олингани йўқ.

Гарчи ташвиқот тадбирлари тўлиқлигича давлат томонидан молиялаштирилган бўлса-да, сайловолди ташвиқотни молиялаштириш бўйича ҳуқуқий-меъёрий асос атрофлича эмас. Сиёсий партиялар олдига сайловга доир молиявий ҳисоботларни топшириш талаби қўйилмаган, шунингдек, сайловдан аввал ёки кейин бирон-бир молиявий ахборотни чоп этиш мажбурияти ҳам йўқ.

Конституция ифода эркинлигини таъминлайди, шу билан бирга қонунчилик ахборот тарқатиш эркинлиги борасида қаттиқ чекловлар қўяди, бу эса ўз-ўзини цензура қилишга олиб келади. Умуман олганда, ОАВ муҳити мавжуд муқобил фикрлар ҳақида маълумот олиш ёки маълумотларга таянган ҳолда танлаш борасида сайловчилар учун фойдали бўлмади. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ ўтказган ОАВ мониторинги шуни кўрсатдики, давлат тасарруфидаги

ахборот воситалари қонунга белгиланганлигига мувофиқ номзодларга етарли даражада бепул эфир вақти ва нашр майдонини ажратиб бердилар. Шундай бўлса-да, давлатга тегишли ва хусусий ахборот воситаларидаги мавжуд кўрсатув дастурлари ва янгиликлар асосий вақтни амалдаги президентнинг институциявий фаолиятини ёритишга бағишлаб, очиқ-ойдин равишда унга афзаллик кўрсатдилар.

Ушбу сайлов давомида шикоятлар деярли бўлмагани учун сайловга доир низоларни ҳал этиш тизими кўп жиҳатдан текширилмай қолди. Умуман олганда, ҳуқуқий-меъёрий асос ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситасини таъминлаш борасида муносиб асос бўла олмайди. Амалдаги президентни номзод сифатида рўйхатдан ўтказиш борасидаги МСК қарорига қарши фуқаролар эътирозиди Олий суд тарафидан қонуний муддатлар ичида кўриб чиқилмади.

Миллий камчиликни ташкил қилувчилар Конституция доирасида сиёсий ҳуқуқлардан тўлиқлигича фойдаланадилар. Ташвиқот материаллари икки тилда, ўзбек ва рус тилларида, чоп этилди, номзодлар ҳам иккала тилда ташвиқот олиб бориш имкониятига эга бўлдилар. Сайлов варақалари (бюллетенлар) ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида чоп этилди.

МСК 300дан ортиқ халқаро кузатувчиларга аккредитация берди, сиёсий партиялар эса 35 000дан ортиқ вакилларни сайлов куни сафарбар этдилар. Шу билан бирга, аввалги тавсияларга қарамасдан ҳамда 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ЕХХТ ҳужжатининг 8-бандига зид равишда ҳуқуқий-меъёрий асосда кузатувни жамоатчилик ташкилотлари томонидан олиб борилиши белгиланмаган.

Овоз бериш ва уларни ҳисоблаш вақтида ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ кузатувчилари ташриф этган сайлов участкаларининг кўпчилигида сайлов комиссиялари муҳим ҳуқуқий низомларни эътибордан четда қолдирдилар. Бир неча сайловчилар номидан овоз бериш барча жойларда қўлланилганга ўхшайди. Овозларни ҳисоблаш вақтида УСКлар кўпинча сайловчилар рўйхатларидаги овоз берувчилар имзоларининг ададини аниқлаштирадилар ва, шу тариқа, овоз бериш қутиларидан олинган бюллетенлар сони билан солиштирмадилар. Улар кўп ҳолатларда натижалар бўйича баёноتلарни тўлдиришда қийинчиликларга учрадилар. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ кузатувчилари ташриф этган 5та ОСКларда яқиний натижаларни сарҳисоб қилиш изчил равишда амалга оширилмади, гарчи натижалар бўйича баёноتلарнинг сони тўғриланиши керак бўлса ҳам.

Мавжуд вазият

2014 йилнинг 24 декабрь куни 2012 йилда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга киритилган ўзгартиришлар асосида Марказий сайлов комиссияси президент сайлови 2015 йилнинг 29 мартда² ўтказилишини эълон қилди. Ушбу сайлов 2014 йил декабрь ойида ўтказилган

² Конституциянинг 90 ва 117-моддаларига, шунингдек президентлик муддатини бошқарувчи ва янги сайлов вақтини белгилаб берувчи бошқа ҳуқуқий низомларга номувофиқ равишда 2012 қабул қилинган “Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида”ги Қонунда президент сайлови 2014 йил 21 декабрда ўтказилган парламент сайловлари натижалари эълон қилинган санадан бошлаб 90 кундан сўнг бўлиб ўтиши белгиланган. Ушбу қонун самарали равишда парламент муддатини қисқартириб, президент сайлови санасини Конституцияда белгиланганидан бошқа кунга кўчирди.

парламент сайловлари изидан келди. Мазкур сайловлар ҳокимият вакиллари томонидан парламент ролини кучайтириш сари қўйилган қадам сифатида тақдим этилди. Шу билан бирга, Конституцияга мувофиқ президент кенг ҳокимиятга эга бўлиб, барча давлат муассасалари ва ҳокимият органлари устидан назоратни ушлаб туради. Амалдаги Президент Ислон Каримов ушбу лавозимни 1991 йилдан буён эгаллаб келмоқда ҳамда 2000 ва 2007 йилларда ўтказилган президент сайловларида ғолиб бўлди. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ суҳбатдошларининг кўпчилиги амалдаги президентнинг мамлакат ва минтақадаги барқарорлик ва хавфсизлик кафолати сифатида тавсифладилар.

Сайлов тизими ва ҳуқуқий-меъёрий асос

Президент умумхалқ овоз бериш йўли билан беш йиллик муддатга берилган овозларнинг оддий кўпчилиги асосида сайланади. Агар ҳеч бир номзод берилган овозларнинг 50 фоиз овозидан кўпроғини ололмаса, икки етакчи номзод ўртасида бир ой муддат ичида сайловнинг иккинчи давраси ўтказилади. Биринчи давра яроқли бўлиши учун сайловчилар умумий сонининг камида 33 фоизи овоз берилиши талаб этилади, аммо иккинчи давра учун бундай талаб қўйилмаган.

Президент сайлови биринчи навбатда Конституция (сўнги тузатишлар 2014 йилда киритилган), “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонун (Президент сайлови тўғрисидаги қонун, ПСТҚ, сўнги тузатишлар 2011 йилда киритилган), Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун (Сайлов ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун), МСК тўғрисидаги қонун (сўнги тузатишлар 2014 йилда киритилган) ҳамда бошқа кўплаб тегишли қонунчилик ҳужжатлари билан тартиблаштирилади ва бошқарилади³. Сайлов тўғрисидаги ҳуқуқий-меъёрий асос демократик сайловларни ўтказишга имкон бермайди, чунки қатор низомлар ЕХХТ доирасидаги мажбуриятлар ҳамда бошқа халқаро мажбуриятлар ва андазаларга зид келади, қонунлар ва қўшимча қоидалар эса бир бирига зид келувчи меъёрларни ўз ичига олади.

2007 йилдаги сўнги президент сайловидан кейин ўтган давр мобайнида икки муҳим ҳуқуқий ўзгартиришлар киритилди. 2008 йилда, 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ЕХХТ ҳужжатининг 7.5-бандига ҳамда бошқа халқаро мажбуриятлар ва меъёрларга зид равишда⁴,

³ Бошқа тегишли қонунчилик ҳужжатларига қуйидагилар киради: “Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида”ги Конституциявий Қонун; Референдум натижалари ва давлат ҳокимиятини ташкил қилишнинг фундаментал тамойиллари тўғрисидаги Конституциявий қонун (2012 йилда тузатишлар киритилган); Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига тузатишлар киритиш тўғрисидаги қонун; “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига тузатишлар киритиш тўғрисида”ги қонун муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг баъзи қонунчилик ҳужжатларига тузатишлар киритиш тўғрисидаги қонун; Сиёсий партиялар тўғрисидаги қонун; Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги қонун; Жиноят кодексининг ва Маъмурий ҳуқуқбузарликлар кодексининг (сўнги тузатишлар 2014 йилда киритилган) тегишли бандлари; ҳамда МСК низомлари.

⁴ 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ЕХХТ ҳужжатининг 7.5-бандига ЕХХТ иштирокчи давлатлар “фуқароларнинг мустақил равишда ёки сиёсий партиялар ёки ташкилотларнинг вакиллари сифатида, ҳеч қандай камситишсиз, сиёсий ёки давлат лавозимларига даъвогарлик қилиш ҳуқуқларини ҳурмат қилиш”лари кераклиги баён қилинган. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси (БМТИХҚ) томонидан Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 25-моддасига берилган 25-сонли Умумий изохнинг 17-бандига ҳам “шахсларнинг сайловда иштирок этиш ҳуқуқи номзодларнинг партиялар ёки маълум бир партиялар аъзолари бўлишини талаб қилиш орқали асоссиз равишда чекланмаслиги керак”, деб қатъий кўрсатилган.

фуқаролар гуруҳи томонидан қўллаб-қувватланувчи мустақил номзод сифатида президентликка даъвогарлик қилиш имконияти бекор қилинди. 2011 йилда президентлик муддати етти йилдан қайта беш йилга қисқартирилди⁵. Сўнги президент сайловидан кейин ўтган муддатда киритилган баъзи ўзгартиришлар ЕХХТ/ДИИХБнинг аввалги тавсияларини инобатга олди. Хусусан, МСК муддатдан илгари овоз бериш тартиблари ҳамда дастлабки қамоқда сақлаш жойларида УСҚларни ташкил қилиш борасида кўпроқ тафсилотлар берувчи низом қабул қилди. ЕХХТ/ДИИХБ 2014 йилдаги парламент сайловлари билан боғлиқ равишда қайд этишича, уюшмалар ва ифода эркинликлари самарали равишда ҳаддан ташқари кенг чекловлар ёрдамида қисқартирилиб, ушбу чекловлар ўзбошимчалик билан, асосиз равишда тадбиқ этилиши мумкин⁶.

Ҳуқуқий-меъёрий асосда такрорий ва бир-бирига зид низомлар мавжуд, жумладан яшаш жойи ва сайловчини рўйхатга олиш ўртасидаги боғлиқлик, шикоятлар учун белгиланган муддатлар, МСК қарорларини суд орқали қайта кўриб чиқиш имкониятига доир масалалар борасида⁷. Бундан ташқари, қонунчилик етарли тафсилотлар даражасида сайловга доир низоларни ҳал этиш ёки ташвиқот тадбирларини молиялаштиришни тартиблаштирмайди. Қонунчилик ҳужжатларидаги баъзи камчиликлар МСК қоидалари билан ижобий равишда тўлдирилди, уларда УСҚлар зиммасига овозлар ҳисобланганидан сўнг натижаларни оммага тақдим этиш мажбурияти юкланган.

Гарчи президентлик муддати Конституцияда кетма-кет келувчи икки муддат билан чекланган бўлса-да, ҳозирги давлат раҳбарининг номзоди амалдаги Конституция доирасида учинчи бор сайловга қўйилган⁸. Президентлик лавозими Конституциянинг 90-моддасида кетма-кет икки муддат билан аниқ чекланганлигига қарамай, Марказий сайлов комиссияси, ўз мустақиллигини шубҳа остига қўйиб, ҳамда 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ЕХХТ ҳужжатининг 5.3-бандидаги қонун устуворлиги ҳақидаги умумий тамойилга зид равишда амалдаги президентни

⁵ Етти йиллик муддат биринчи бор 2002 йилда Конституцияга референдум орқали киритилди, аммо 2011 йилда парламент томонидан қайта беш йиллик муддатга қисқартирилди. Тузатишлар қабул қилишнинг бу каби усули Референдум тўғрисидаги қонуннинг 1-моддасига зид келади, чунки унда “референдум орқали қабул қилинган қарорлар олий қонуний кучга эга ва фақатгина референдум орқали бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин” дейилган.

⁶ Қаранг: 2014 йил 21 декабрда ўтказилган парламент сайловлари бўйича ЕХХТ/ДИИХТ СКЧМ якуний ҳисоботи

⁷ Президент сайлови тўғрисидаги қонуннинг 21-моддасида овоз берувчилар ўзларининг доимий яшаш жойлари асосида сайловчилар рўйхатида киритилишлари мумкинлиги белгиланган, Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари тўғрисидаги қонуннинг 8-моддаси ва МСКнинг УСҚларга йўриқномалар борасидаги қоидаларида эса сайловчиларни вақтинчалик яшаш жойлари бўйича рўйхатга олишга руҳсат берилган. Сайловчилар рўйхатлари бўйича шикоятларни топшириш муддатлари ҳам ўзаро фарқ қилади, Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари тўғрисидаги қонуннинг 10-моддасида 24 соат кўрсатилган ва Президент сайлови тўғрисидаги қонуннинг 23-моддасида эса 2 кун кўрсатилган. Президент сайлови тўғрисидаги қонуннинг 14-моддасида МСК қарорлари якуний деб белгиланган, МСК тўғрисидаги қонуннинг 12-моддасида эса ушбу қарорлар юзасидан Олий судга апелляция топшириш имконияти берилган.

⁸ Президент Ислон Каримов биринчи бор 1991 йилда лавозимга сайланган, ҳозирги Конституция эса 1992 йилда кучга кирган.

номзод сифатида рўйхатдан ўтказиш борасида қарор қабул қилди⁹. МСК ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга маълум қилишича, у фақатгина партиянинг номзод қўйиш ҳуқуқини ҳамда номзодни тавсия қилиш ҳужжатларининг қонундаги талабларга мос келишини текшириш ваколатига эга. Бошқа мансабдор шахсларнинг ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга берган тушунтиришларга кўра, “муддат” ибораси йилларнинг аниқ сонини билдиради, шунинг учун ҳам ҳозирги президентлик муддати етти йил, кейинги президентлик муддати эса беш йил бўлгани учун, бу икки муддат кетма-кет икки муддат сифатида ҳисоблана олмайди.

Сайлов бошқарув органлари

Сайлов учта бўғимдан иборат қуйидаги сайлов органлари томонидан бошқарилади: МСК, 14та Округ сайлов комиссиялари (ОСК) ва 9 059та Участка сайлов комиссиялари (УСК), 36та давлатда жойлашган дипломатик ваколатхоналардаги 44та УСКлар ҳам уларнинг ичига киради. МСК домий орган бўлиб, ОСК ва УСКлар ҳар бир сайлов учун алоҳида тузилади.

МСК аъзолари парламент томонидан вилоят кенгашларининг тавсияларига асосланган ҳолда чекланмаган муддатга тайинландилар. Ҳозирги кунда МСК 17 нафар аъзолардан таркиб топган, улардан 9 нафари 2014 йилда тайинланган бўлиб, 2 нафари хотин-қизлардир. МСК аъзолари президент тавсиясига асосланган ҳолда ўз ичларидан раис сайлайдилар. Қарор кўпчилик аъзоларнинг овоз бериши йўли билан қабул қилинади, агар овозлар сони тенг бўлса, раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Мазкур ҳисобот қамраб олган муддат ичида МСКнинг учта йиғилиши (сессияси) бўлиб ўтди.

16 январь куни МСК вилоят кенгашларининг тавсияларига мувофиқ ОСКларни тайинлади. ОСКлар сайлов участкаларини шакллантирдилар ҳамда маҳаллалар¹⁰ ва туман ёки шаҳар кенгашларининг тавсияларига асосланган ҳолда УСКларни тайинладилар. МСК тақдим этган маълумотларга кўра ОСК аъзоларининг 15 фоизга яқини ва УСК аъзоларининг 43 фоизи хотин-қизлардан ташкил топган. МСК мамлакат бўйлаб ОСК ва УСКлар учун ўқув машғулотлари ўтказди. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМнинг узоқ муддатли кузатувчилари (УМК) қайд этишича, ўқув машғулотлари амалий эмас, балки кўпроқ расмий тус олган бўлиб, кўп мавзулар қамраб олинishi билан бирга, овозларни санаш жараёни ёки эҳтимолий бузилишлар борасидаги шикоятларни кўриб чиқиш масалаларига кам эътибор берилди.

МСК барча қонуний муддатларга риоя қилди ва ўз йиғилишларини аммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар ва халқаро кузатувчилар учун очиқ бериш орқали фаолиятини

⁹ Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) Демократик сайловлар, сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлар андазалари бўйича Конвенциясининг (МДХ конвенцияси) 19.2(j)-моддаси доирасида иштирокчи давлатлар ўз зиммаларига “давлатнинг қонунлари ва мустақил мажбуриятларига мувофиқ равишда демократик, эркин, адолатли, ҳақиқий ва даврий сайловларни ташкиллаштирадиган мустақил бетараф сайлов органларининг тузилишини таъминлаш” мажбуриятини оладилар. 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ЕХХТ ҳужжатининг 5.3-бандида “ҳукумат ва давлат ҳокимият органларининг бурчи конституцияга риоя этиш ... ва қонунчиликка мувофиқ фаолият юритиш” деб белгиланган.

¹⁰ Маҳаллалар анъанавий ўзбек жамоати тузилмаси бўлиб, аҳоли яшайдиган жойларда кундалик ҳаётни тартиблаштириб туради ҳамда давлат ва жамият ўртасидаги алоқа вазифасини бажаради. Уларнинг роли 1993 йилда қабул қилинган Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунда (Маҳаллалар тўғрисидаги қонун) расман белгилаб берилгандир. Маҳалла қўмитаси қарорларини бузиш қонун тарафидан жазоланади.

умумий равишда очик тарзда олиб борди. Гарчи Қонунчилик ҳужжатлари тўғрисидаги қонун барча қонунчилик ҳужжатлари чоп этилишини талаб қилса-да, МСК қарорлари ва қоидаларининг барчасини ҳам оммага эълон қилгани йўқ. Нашр этилганлари эса ҳар доим ҳам ўз вақтида МСК веб-сайтига жойлаштирилмади ёки газеталарда чоп этилмади¹¹.

Сайлов тўғрисидаги қонунчиликни ойдинлаштириш ҳаракатида МСК қатор қоидаларни қабул қилди, улардан баъзилари фойдали равишда номзодларни рўйхатга олиш ва муддатидан илгари овоз бериш борасида қонунга аниқлик киритдилар. Шу билан бирга, кўпгина ҳолатларда МСК қарорлари бир бирига зид келувчи ёки тўлиқ бўлмаган ҳуқуқий низомларни ойдинлаштирамай, балки такрорлаб келиб, ОСК ва УСКларни сайлов жараёнларининг муҳим унсурларини қай тарзда тўғри ва тадрижий амалга ошириш бўйича тегишли йўриқномаларсиз қолдирди¹². Бунинг натижасида ОСК ва УСК аъзолари қонунчиликни яхши билсалар-да, ноаниқ йўриқномаларни амалга тадбиқ қилишда қийинчиликларга учрадилар.

Гарчи қонунчиликда маҳаллаларнинг чекланган роли белгиланган бўлса-да, амалда улар сайлов жараёнининг бир қанча муҳим босқичларида фаол равишда иштирок этдилар¹³. Улар УСК аъзоларини сайлашда ёрдам бердилар, сайловчилар рўйхатлари учун асосий маълумотлар тақдим этдилар ҳамда УСКларга уларни текшириш борасида ёрдам кўрсатдилар, сайловчиларга таклифномаларни тарқатиш бўйича кўмак бердилар ва сайловчиларнинг хабардорлигини ошириш ҳаракатларига ўз хиссаларини қўшдилар. Кўпчилик УСК ва ОСКлар таркибида ҳеч бўлмаса бир нафар аъзоси маҳалла вакилидан иборат эди.

Муддатидан илгари овоз бериш сайлов кунидан 10 кун аввал бошланди. Унда иштирок этиш учун сайловчилар нима учун сайлов куни ўзларининг сайлов участкаларидан узоқда бўлишлари сабаби кўрсатилган ариза топширишлари керак, лекин ҳеч қандай далил талаб қилинмади. МСКга мувофиқ кам сонли сайловчилар муддатидан илгари овоз бердилар. Муддатидан илгари овоз бериш бюллетенлари бошқа рангда чоп этилиб, одатий бюллетенлардан ажратиб олиниши мумкин бўлганлиги сабабли, муддатидан илгари овоз берганлар шахси махфийлигига путур етган бўлиши мумкин.

МСК сайловчиларнинг хабардорлигини ошириш бўйича ташвиқот ишларини миллий ва вилоят телеканалларида олиб бориб, улар сайлов куни яқинлашган сари авж олди. МСК ва ОСКлар мамлакат бўйлаб учрашувлар ўтказдилар, хусусан илк бора овоз берувчилар, аёллар ҳамда маҳалла раислари ва маҳаллий раҳбарлар каби жойлардаги эътиборга эга шахслар билан учрашувларга урғу бердилар.

¹¹ Мисол учун, 2014 йил 26 декабрда қабул қилинган қарорда МСК бир қанча йўриқномаларни, жумладан ОСКлар, ОАВ ва имзоларни тўплаш бўйича йўриқномаларни, қабул қилди. Улар МСК веб-сайтига фақатгина 2015 йилнинг февраль ойида жойлаштирилдилар.

¹² Буларнинг ичига УСКлар, сайловчиларни рўйхатга олиш, кузатувчилар, ташвиқот тадбирларини молиялаштириш, кўчма овоз бериш ва яқуний натижаларни сарҳисоб қилиш бўйича йўриқномалар қиради. Баъзи низомлар сайловдан олдинги икки ҳафтада тасдиқланди.

¹³ Маҳаллалар ва уларнинг сайловлардаги ўзига хос вазифаси фақатгина Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисидаги қонунда айтиб ўтилган, унда маҳаллалар ОСКларга УСК учун номзодларини тавсия қиладилар дейилган.

Сайловчиларни рўйхатга олиш

Конституция 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқарога овоз бериш ҳуқуқини беради, суд қарори билан ноқобил деб топилган ёки қамоқда жазо муддатини ўтаётганлар, содир этилган жиноятнинг оғирлигидан қатъий назар, бундан мустасно. ЕХХТ/ДИИХБ томонидан аввал ҳам қайд этилганидек, сайлов ҳуқуқларининг ҳар қандай жиноятни содир этиш асосида чекланиши мутаносиблик тамойилига зид келади¹⁴.

Қонунга мувофиқ сайловчилар фақат Ички ишлар вазирлигининг тегишли ҳудудий бўлимида расман рўйхатга олинган манзиллари асосидагина сайловчилар рўйхатига киритилишлари мумкин. ЕХХТ/ДИИХБ УМКлар берган маълумотларга кўра, сайловчилар рўйхатлари турли хил усулларда тузилди. Баъзи жойларда маҳаллалар ўз ҳудудларида ҳақиқатдан ҳам истикомат қилувчи маҳаллий аҳоли ҳақидаги ўзларининг билимлари асосида сайловчилар рўйхатларини туздилар. Бошқа жойларда сайловчилар рўйхати расмий рўйхатдан ўтган манзиллар асосида тузилди. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга хабар берилишича, мамлакат бўйлаб кўчиб юривчиларнинг кўпчилиги янги манзилларда рўйхатдан ўтмасликни афзал кўрадилар. Шу тариқа, рўйхатларни тузиш услуби борасидаги номувофиқлик сайловчилар рўйхатларининг аниқлиги борасида шибҳа ўйғотади. Бундан ташқари, сайловчиларнинг ягоналаштирилган реестри бўлмагани сабабидан рўйхатларни такрорий киритилганлар бўйича солиштирма текшириш имкони бўлмади.

УСКлар сайловчилар рўйхатларини хонадонма-хонадон текширганликлари ҳақида ҳисобот бердилар. Ушбу фурсатдан фойдаланиб улар, шунингдек, қайси сайловчиларда муддатдан илгари ёки кўчма сайлов қутилари орқали овоз бериш истаги борлигини суриштирдилар. Сайловчилар рўйхатлари УСКлар томонидан 14 март куни фуқаролар эътиборига, улар билан танишиб чиқишлари ҳамда сайлов кунидан олдин ва сайлов куни ўзгартиришлар киритишни талаб қилишлари учун, тақдим қилинди. Сайловга икки кун қолганда МСК овоз бериш учун рўйхатга олинган сайловчилар сони 20 798 052 нафарлигича қолганини тасдиқлади, мазкур адад аввалроқ дастлабки сайловчилар сони сифатида эълон қилинган эди. Шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва сайлов участкаси ҳудудида истикомат қилишини исботловчи маълумотнома тақдим этган ҳар қандай сайловчи сайлов куни қўшимча сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин.

¹⁴ 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ЕХХТ ҳужжатининг 24-бандида қуйидагилар белгиланган: “демократик жамиятда, ҳуқуқлар ва эркинликларнинг ҳар қандай чекланиши қўлланилаётган қонуннинг мақсадларидан бирига тегишли бўлиши керак ва ушбу қонуннинг мақсади билан қатъиян мутаносиб бўлиши лозим”. Шунингдек, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси (БМТИХҚ) томонидан Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 25-моддасига берилган 25-сонли Умумий изоҳнинг 14-бандига қаранг, унда овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун асослар “объектив” ва “оқилона” бўлиши талаб қилинади. Мисол учун, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг (ИХБЕС) қарорларини олайлик: *Скоппола Италияга қарши* (№3) [GC], №126/5, 2012 йил 22 май; ва *Хёрст Бирлашган Қиролликка қарши* (№2) [GC], №74025/016 2005 йил 6 октябрь. Ушбу икки иш билан www.echr.coe.int манзили бўйича танишиб чиқиш мумкин. 2005 йил 6 октябрдаги *Хёрст Бирлашган Қиролликка қарши* иши бўйича чиқарилган қарорда ИХБЕС маҳбусларни уларнинг ҳуқуқларидан маҳрум қилиш, содир этилган жиноятнинг оғирлигига ва жазо ҳукмининг муддатига қарамай амалга оширилиши, сайловларда иштирок этиш ҳуқуқига нисбатан номуаносиб ва номувофиқ бўлган.

Сайлов куни сайловчиларни рўйхатга олиш халқаро илғор тажрибага мос келмайди ва сайловчиларни кўп бора рўйхатга олиш ҳолатларига олиб келиши мумкин¹⁵.

МСКга кўра 15 537 нафар сайловчи хорижда рўйхатдан ўтказилган. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ суҳбатдошларининг кўпчилиги хорижда бир неча миллион фуқаролар яшаши мумкинлигига ишора қилдилар¹⁶. Уларнинг қанчаси мамлакат ичидаги сайловчилар рўйхатида қолаётганлиги аниқ эмас. ТИВ барча мақбул сайловчилар, ҳатто дастлаб рўйхатдан ўтмасалар ҳам, дипломатик ваколатхоналарда овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар, деб баёнот берди.

Номзодларни рўйхатга олиш

Сайловда иштирок этиш ҳуқуқи номзодлар фақатгина сиёсий партиялар томонидан тавсия қилиниши талаби билан, шунингдек номзоднинг мақбуллигига оид асосиз чекловлар, жумладан рўйхатдан ўтиш учун ҳаддан ташқари кўп миқдордаги қўллаб-қувватловчи имзолар кераклиги талаби билан чеклаб қўйилган. Сиёсий партия президентликка номзод сифатида бир кишини тавсия қилиши мумкин. Бунинг учун мазкур партия сайлов эълон қилинган кундан камида олти ой аввал Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган бўлиши ҳамда овоз бериш кунидан камида 70 кун олдин МСК томонидан рўйхатга олинishi керак.

Тўрт сиёсий партиялар томонидан қўйилган номзодлар ҳам, ўз навбатида, қонунчиликда кўрсатилган мақбул бўлишга оид бошқа мезонларга жавоб беришлари керак. Камида 35 ёшга тўлган, ўзбек тилида эркин сўзлаша оладиган ва мамлакатда сайлов кунидан олдин камида 10 йил истиқомат қилган фуқароларгина номзодлар сифатида иштирок этишлари мумкин. Қасддан жиноят этганлиги учун ҳукм этилган, жинорий иш содир этганликда айбланаётган ёки диний ташкилотларда касбий фаолият юритаётган шахслар иштирок этиш ҳуқуқига эга эмаслар. Яшаш муддати, тил маҳорати, касбий фаолиятга асосланган чекловлар, шунингдек жиноят содир этганларга нисбатан қўлланиладиган умумий чеклашлар ЕХХТ доирасидаги мажбуриятлар ва бошқа халқаро мажбуриятлар ва андазаларга зид келади¹⁷. Суд қаршисида туриши лозим бўлган

¹⁵ Мисол учун, Европа кенгаши ҳузуридаги ҳуқуқ орқали демократия учун Европа комиссияси (Венеция комиссияси)нинг Сайлов масалалари бўйича илғор тажриба кодексига қаранг, унда “сайлов участкалари сайловчиларни сайлов кунининг ўзида рўйхатга олишларига рухсат берилмаслиги керак” деб тавсия қилинган.

¹⁶ Россия Федерациясининг Федерал миграция хизматининг 4 март ҳолатига берган маълумотида кўра, 2,13 миллионга яқин Ўзбекистон фуқаролари расман Россия Федерациясида рўйхатдан ўтганлар, улардан тахминан 1,98 миллион нафари 18 ёшга етганларни ташкил қилади.

¹⁷ Қаранг, 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ЕХХТ ҳужжатининг 7.3, 7.5 ва 24-бандлари ҳамда Венеция комиссиясининг Сайлов масалалари бўйича илғор тажриба кодексидagi 1.1.с Бўлими. Бундан ташқари, БМТИХҚ томонидан Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 25-моддасига 1996 йилда берилган 25-сонли Умумий изоҳнинг 15-бандида “сайловларда иштирок этиш учун қўйилган ҳар қандай чекловлар ... объектив ва оқилона мезонларга асосланган бўлиши керак. Бошқа жиҳатдан сайловда иштирок этиши мумкин бўлган шахслар таълими, яшаш жойи ёки келиб чиқиши каби асосиз ва камситувчи талаблар, ёки сиёсий мансублиги туфайли истисно қилинмаслиги керак” дейилган. 2002 йилда қабул қилинган МДХ Демократик сайловлар, сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлар андазалари бўйича Конвенциясининг 2.b-моддасига биноан “Фуқаронинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи ... жинс, тил, дин ёки этник эътиқод, сиёсий ёки бошқа қарашлар, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиш, миллий камчилик ёки этник гуруҳга мансублик, мол-мулк ёки бошқа мавқеъга асосланган камситиш руҳидаги ҳар қандай чекловларсиз амалга тадбиқ қилиниши керак”.

шахсларни мустасно этиш, айбсизлик презумпцияси тамойилига зид келади¹⁸. Бундан ташқари, тил маҳоратини текшириш бўйича ҳеч қандай ҳукукий низомлар ёки амалий механизмлар мавжуд эмас¹⁹.

Сиёсий партиянинг президентликка номзодини рўйхатдан ўтказиш учун аризасида республикадаги сайловчилар умумий сонининг камида беш фоизига тегишли қўллаб-қувватловчи имзолар бўлиши керак, умумий миқдорда бу тахминан бир миллион имзо бўлиб, камида саккиз ҳудудий бўлинмалардан олинishi керак, имзоларнинг саккиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдори бошқа ҳар қандай ҳудудий бўлинмалардан олинishi мумкин. Талаб қилинаётган қўллаб-қувватловчи имзоларнинг миқдори асоссиз равишда юқори бўлиб, халқаро илғор тажрибага зид келади²⁰. Гарчи солиштирма текшириш имконияти бўлмаса-да, сайловчи фақат бир номзод учун имзо чекиши мумкин, бу эса рақобатни чегаралаб қўйиши мумкин²¹. Тўрт сиёсий партия томонидан ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга берган маълумотларга кўра, талаб этилган имзолар сонини тўплаш ҳеч бир муаммога учрамади ва бир партия талаб этилган миқдордан ҳам ортиқ имзоларни тақдим этди²².

Рўйхатдан ўтган тўрт партиянинг барчаси ўзларининг номзодлари бўйича аризаларни 9-11 февраль кунлари ўртасида тақдим этдилар. МСК тегишли низомда²³ кўрсатилган мезонлар асосида имзоларнинг 15 фоизига тенг намуналарни текшириш учун ишчи гуруҳларини тузганлиги ҳақида хабар берди. Ҳар бир номзодлик тўплами мақбул деб топилди ва МСК қонунчиликда белгиланган етти кундан беш куни ичида имзоларнинг текширувини якунлаб, тўрт нафар номзодни 14 февраль куни рўйхатдан ўтказди.

Ташвиқот муҳити

Ташвиқот тадбирлари 14 март куни расман бошланди ва 28 мартга қадар давом этди. Тўрт нафар номзод, уларнинг ҳар бир парламенда ўринларга эга бўлган партиялар томонидан тавсия этилган, қуйидагилардир: амалдаги Президент Ислоҳ Каримов, ЎзЛиДеП томонидан номзоди қўйилган; Хотамжон Кетмонов, Ўзбекистон Халқ Демократик Партияси (ЎзХДП) томонидан номзоди қўйилган; Акмал Саидов, Ўзбекистон Демократик Партияси (“Миллий тикланиш”

¹⁸ 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ЕХХТ ҳужжатининг 5.19-бандида “ҳар бир шахс қонун асосида айби тасдиқланмагунча айбсиз ҳисобланади” дейилган.

¹⁹ МСК ЕХХТ/ДИИХБ СКМЧга маълум қилишича, номзодларнинг тил маҳоратини текширишга ҳожат йўқ, чунки уларнинг ҳар бири билан таниш бўлиб, омма олдида нутқ сўзлаганларини эшитганлар.

²⁰ Венеция комиссиясининг Сайлов масалалари бўйича илғор тажриба кодексидаги 1.3.ii Бўлимда “қонун тегишли сайлов округидаги сайловчиларнинг 1%дан ортиқ имзоларни тўплаш бўйича талаб қўймаслиги керак” дейилган.

²¹ Мисол учун, 2010 йилдаги ЕХХТ/ДИИХБ ва Венеция комиссиясининг Сиёсий партиялар фаолиятини тартиблаштириш бўйича йўриқномада “кўп фикрлилик ва уюшмалар эркинлигини ошириш мақсадида қонунчилик фуқароларни фақатгина бир партияни қувватловчи рўйхатга имзо чекиш билан чегараламаслиги лозим” дейилган.

²² ЎзЛиДеП ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга хабар беришича, улар МСКга 1,8 миллион имзолар тақдим қилдилар.

²³ 661-сонли МСК низоми, 2014 йил 26 декабрда тузатиш киритилган, имзо шакллари текшириш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиққан. Шу билан бирга, Венеция комиссиясининг Сайлов масалалари бўйича илғор тажриба кодексидаги 1.3.iv бўлимида “текширув жараёни умумий равишда барча имзоларни камраб олиши керак” деб тавсия қилинган. Амалдаги қондалар партияни намунадаги яроқсиз имзоларнинг маълум бир миқдори асосида сайловдан четлатишга рухсат беради, ҳатто қолган имзолар қонундаги талабларга жавоб бериши учун етарли бўлса ҳам.

партияси) томонидан номзоди қўйилган; ва Наримон Умаров, Ўзбекистон Социал-демократик партияси (“Адолат” партияси) томонидан номзоди қўйилган. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ бир неча бора такрорланган талабларга қарамай номзодларнинг ҳеч қайси бири билан учраша олмади.

Амалдаги президент жиддий бир муҳолифатга дуч келмади. Ҳар бир номзоднинг платформаси аҳолининг аниқ бир сегментига қаратилган бўлиб, мақсад этилган сайловчилар гуруҳининг манфаатларига бирламчи урғу беради. Буларнинг ичига Кетмоновнинг ижтимоий ҳимояси, Саидовнинг миллий кадриятлари ва анъаналари, ҳамда Умаровнинг суд соҳасидаги ислохотлари киради. Президент Каримовнинг ваколатли вакиллари барқарорлик, хавфсизлик ва гуллаб-яшнашга асосий эътиборни қаратдилар. Амалдаги президент бошқа номзодлар ва партиялар вакиллари томонидан ташвиқотнинг биринчи қисми давомида президентликка энг мақбул номзод сифатида тавсифланди. Сайловдан бир ҳафта олдин баъзи номзодлар ташвиқот учрашувларида тингловчиларни овоз беришга чақиритишни бошладилар. Шу билан бирга, улардан ҳеч қайси бири амалдаги президентнинг сиёсати ва эришган натижаларини сўроқ остига олмади. Амалдаги президентнинг шахсияти тинчлик ва барқарорликнинг эътирозсиз кафолати сифатида сиёсий майдонда устунлик қилиб, жонсиз ташвиқот тадбирларини ўз соясида қолдирди.

Ташвиқот ўтказилаётганлигининг ягона кўзга кўринадиган белгилари номзодлар тўғрисидаги эълон тахталари ва кам сонли плакатлар бўлди²⁴. Ташвиқот тадбирлари кўпроқ барча номзодларга нисбатан тенг муносабатда бўлиш, жумладан ахборот воситаларидаги бепул эфир вақтидан ва майдондан фойдаланиш ҳамда учрашувлар ўтказиш борасидаги Президент сайлови тўғрисидаги қонуннинг низомларига амал қилиш шартига асосланди. Гарчи сайловолди ташвиқот ўтказишнинг турлари, шакллари ва усуллари бўйича белгиланган қоидалар бўлмасда, тўрт нафар номзодларнинг барча ташвиқот материаллари ва усуллари бир-бирига таажжубли равишда ўхшаш бўлди. Мазкур шароитда ҳамда сиёсий баҳс-мунозаралар ёки ҳақиқий рақобат йўқ бўлган муҳитда ташвиқот тадбирлари амалдаги президент атрофида марказлаштирилган жараён учун орқа фон сифатида хизмат қилди. Уч нафар номзоднинг шахсиятларини самарали равишда хиралаштирди ва амалдаги президентга муносиб рақиб бўлмаганга ўхшайди.

Ахборот берилишича, барча тўрт нафар номзод 14та сайлов округларининг ҳар бирида халқ билан шахсан биттадан учрашув ўтказдилар, уларнинг ваколатли вакиллари эса ҳар бир сайлов округида 10тагача учрашувларда уларнинг номларидан чиқиш қилдилар. Умумий ҳисобда, ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ шахсан Кетмонов, Саидов ва Умаров томонидан ёки уларнинг вакиллари томонидан ўтказилган 18та бундай учрашувларга ташриф буюрди. Қатор талабларга қарамай, ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга амалдаги президент шахсан ўтказган учрашувларга кириш учун рухсат берилмади ва унинг ваколатли вакиллари томонидан ўтказилган 6та учрашувга ташриф этилди²⁵. Гарчи номзодлар билан ўтказиладиган учрашувлар ҳақида, қонунчиликда белгиланган талабларга зид равишда, олдиндан ахборот воситаларида эълон берилмаган бўлса-да, учрашув жойларидаги ўринларнинг барчаси аниқ миқдори бўйича тўлдирилган эди. Кузатилган учрашувларнинг кўпчилиги бир хил тарзда ўтказилди.

²⁴ Ҳар бир номзод мамлакат бўйлаб 829та эълон тахтасидан фойдаланиши мумкин эди.

²⁵ 11 март куни Фарғона ўтказилган учрашув ҳамда 16 ва 17 март кунлари Тошкент вилояти ва шаҳрида ўтказилган учрашувлар.

Норозилик фикрини ифода этиш усули сифатида инсон ҳуқуқлари фаоллари ва сургундаги муҳолифатга тегишли шахслар томонидан Интернет тармоғида 12 нафар номзод, уларнинг ичига расмий рўйхатга олинган 3 нафар номзод ҳам киритилган, виртуал президент сайлови уюштирилди. Мамлакатдаги инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари чекловлар муҳитида фаолият юритмоқдалар ва тазйиқларга учрамоқдалар²⁶.

Ташвиқот тадбирларининг молиялаштирилиши

Гарчи ташвиқот тадбирлари тўлиқлигича давлат томонидан молиялаштирилган бўлса-да, сайловолди ташвиқотни молиялаштириш бўйича ҳуқуқий-меъёрий асос атрофлича эмас. Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги қонунда фақат парламент сайловларига тегишли низомлар мавжуд бўлиб, президент сайлови доирасидаги ташвиқот тадбирларини маблағ билан таъминлаш Президент сайлови тўғрисидаги қонун ичидаги бир модда ва МСК қоидаларидаги икки банд асосида тартиблаштирилади. Улар мувофиқ ҳолда партияларнинг ҳар бири сайловолди ташвиқот тадбирлари учун давлат бюджетидан 842 миллион сўм (тахминан 327 000 евро) миқдорида маблағ олдилар²⁷. Бундан ташқари номзодлар учрашув жойларидан бепул фойдаланиш, давлат ахборот воситаларидаги бепул эфир вақти ҳамда МСК томонидан тайёрланган бир хил шаклдаги номзодлар плакатлари кўринишларида билвосита давлат ёрдамни олдилар.

Президент сайлови тўғрисидаги қонун номзодлар учун молиялаштиришнинг ўзга манбалари ёки бошқа моддий ёрдам турларини таъқиқгандир. Қонун сиёсий партиялар, ташкилотлар ва фуқаролардан ёрдам тариқасида ихтиёрий пул тўловларини қабул қилишга руҳсат берган бўлса ҳам, улар МСК орқали ўтказилиши керак. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга бу каби ёрдам маблағлари келиб тушмагани ҳақида маълумот берилди ва барча сиёсий партиялар давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг етарли эканлиги ҳақида баёнот бердилар. Сайловга доир молиявий ҳисоботларни тақдим этиш бўйича сиёсий партияларга қўйилган аниқ талаблар мавжуд эмас ва сайловдан сўнг ўз вақтида қандайдир молиявий ахборотни нашр этиш бўйича ҳеч қандай мажбурият йўқ²⁸.

²⁶ Инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари ҳолати бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) Махсус ҳисоботчиси Маргарет Секажия (Margaret Sekaggya) 2014 йилда берган ҳисоботида “инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларига нисбатан, жумладан журналистларга ҳам, уларнинг фаолияти билан боғлиқ сабабларга кўра доимий тажовуз, ҳибсга олиш ва таъқиб қилиш ҳолатларига доир ишончли ҳисоботлар ва хабарлар” борасидаги ўзининг ташвишини билдирди. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмитаси ҳам аввалроқ “ўз касбий вазифаларини ижро этганликлари учун қамоққа олинган, босқинга ва тажовуз учраган, ёки таҳдидга учраган мустақил нодавлат ташкилотлар (НДТ) вакиллари, журналистлар ва инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари” борасидаги ўз ташвишларини ифода этган. Рўйхатдан ўтмаган Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари альянси фуқаролик жамияти ҳаракатининг бир аъзоси 3 март куни йўқолиб қолди. 11 март куни у руҳий касалликлар шифохонасида топилди.

²⁷ Қонунчиликда эҳтимолий ҳаражатларнинг тўлиқ рўйхати кўрсатилгандир: ташвиқот материалларини чоп этиш, номзод дастурларини тарғиб қилиш, номзоднинг ахборот воситаларида кўринишини уюштириш, номзод учрашувларини ташкиллаштириш, ваколатли вакиллар ишини ташкиллаштириш ҳамда сайлов округларидаги партиянинг бошқа фаолияти.

²⁸ Сиёсий партиялардан тегишли давлат органларига йиллик асосда молиявий ҳисоботларни тақдим этиш ва чоп этиш талаб қилинади. Кейинги ҳисоботлар 2016 йилнинг март ойида берилиши керак.

Оммавий ахборот воситалари

Телевидение сиёсий ахборотнинг бирламчи манбасидир, ундан сўнг қишлоқ ҳудудларида кўпроқ оммабоп бўлган радио келади. Ижтимоий тармоқлардан асосан ёшлар фойдаланадилар. Матбуот ва Ахборот Агентлиги (МАО) ҳисоботида кўра мамлакатда 1 392та оммавий ахборот воситалари мавжуд бўлиб, уларнинг 79 фоизи хусусий мулкдир. Шу билан бирга, давлатга тегишли Миллий телерадиокомпания (МТРК), бутун республика бўйлаб тарқалган ягона оммавий ахборот воситаси сифатида бозорда устунлик қилади²⁹. Асосий оқимдаги ОАВлар мазмун ва услуб жиҳатидан кўпроқ тантанавор бўлиши билан бирга, кўплаб маҳаллий ва халқаро янгилик веб-сайтларига кириш тўсиб қўйилгандир. Умуман олганда, ОАВ муҳити мавжуд муқобил фикрлар ҳақида маълумот олиш ёки маълумотларга таянган ҳолда танлаш борасида сайловчилар учун фойдали бўлмади.

Конституция ифода эркинлигини таъминлайди, аммо у шунингдек ОАВларни, хусусан журналистларни, тарқатилаётган ахборотнинг “ишончлилиги” борасида жавобгар қилади. Бундан ташқари, қонунчилик ахборот бериш эркинлигига нисбатан қаттиқ чегаралар белгилаган. Ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказишни рад этиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш учун қўлланиладиган мужмал ифодаланган мезонлардан авваллари ўзбошимчалик билан фойдаланилган³⁰. Жиноят кодекси танқидни тўхматга тенглаштирган бўлиб, мазкур жиноят беш йилгача қамоқ муддати билан жазоланади. Шунингдек, номзодларни қораловчи сохта маълумотларни тарқатиш ҳам Президент сайлови тўғрисидаги қонун доирасида ҳуқуқбузарлик бўлиши мумкин³¹. Ушбу низомлар ахборот воситаларидаги фикр хилма-хиллигига тўсиқлик қилади ҳамда, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 19-моддасига тўғри келмайди³². Улар шунингдек ўз-ўзини цензура қилишга, хусусан таҳририят даражасида, олиб келади.

ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ оммавий ахборот воситаларининг атрофлича кузатувини амалга оширди³³. У шуни кўрсатдики, давлат тасарруфидаги ахборот воситалари қонунга белгиланганлигига мувофиқ номзодларга етарли даражада бепул эфир вақти ва нашр майдонини

²⁹ МТРКда бутун республика бўйлаб узатиладиган 13та теле ва радиоканаллар ҳамда вилоят даражасида теле ва радиодастурларини таклиф қилувчи 12та вилоят каналлари мавжуддир.

³⁰ Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонуннинг 22-моддасида «оммавий ахборот воситасининг мақсад ва вазифалари қонун ҳужжатларига зид бўлса», уни рўйхатдан ўтказиш рад этилиши белгиланган.

³¹ Президент сайлови тўғрисидаги қонуннинг 7-моддаси “номзоднинг шаъни ва кадр-қимматига доғ туширадиган сохта маълумотларни тарқатиш” таъқиқлайди. Бундан ташқари Жиноят кодексининг 139 (туҳмат) ва 140 (ҳақорат) моддалари ҳам журналистларга нисбатан қўлланилиши мумкин.

³² БМТХҚ томонидан Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 19-моддасига берилган 34-сонли Умумий изоҳнинг 34-бандида “эркин, цензура қилинмайдиган ва тўсиққа учрамайдиган матбуот ёки бошқа оммавий ахборот воситалари фикр ва ифода эркинлигини ҳамда бошқа конвенция ҳуқуқларидан фойдаланишни таъминлаш учун ҳар қандай жамиятда муҳимдир”.

³³ 25 февралдан 29 мартга қадар ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ 13та оммавий ахборот воситалари намуналарини кузатиб борди: Ўзбекистон, Ёшлар, Тошкент ва УзРепорт телеканаллари; Ўзбекистон радиоканали; Народное слово, Правда Востока ва Халқ Сўзи, Адолат, Миллий Тикланиш, Ўзбекистон Овози, Даракчи ва XXI аср газеталари.

ажратиб бердилар³⁴. Барча номзодлар газеталарда ажратиб берилган бепул майдонлардан фойдаландилар, шу билан бирга амалдаги президент республика бўйлаб фаолият кўрсатадиган миллий телевидениедаги бепул эфир вақтидан фойдаланмади³⁵. Бепул реклама эфирга узатувчи ахборот воситалари томонидан аниқ ажратиб кўрсатилмади. Шунингдек унга танқидий таҳлил ёки тахририят изоҳлари берилмади. Номзодлар фаолиятини ёритувчи барча кўрсатувлар ижобий (телевидение ва радиода 54 фоиз ҳамда матбуотда 79 фоиз) ёки нейтрал (телевидение ва радиода 46 фоиз ҳамда матбуотда 21 фоиз) руҳда бўлди.

Қаттиқ чеклов остига олинган ахборот воситалари фикрлар хилма-хиллиги ифода этилган ҳақиқий сиёсий баҳс-мунозаларни таъминлаб бермади. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ мониторинги шуни кўрсатдики, умуман олганда, давлат ва хусусий телеканалларнинг тизим пайтдаги кўрсатувларининг тегишли равишда 11 ва 5 фоизи сиёсий масалаларни тақдим этишга бағишланди. Мазкур вақтдан асосан олдиндан ёзиб олинган бепул рекламани ҳамда сайловчилар учун эслатмаларни эфирга узатиш учун фойдаланилди. Бир кунда ўртача ҳисобда тўққиз дақиқа ҳар бир телеканал томонидан ҳозирги кундаги воқеаларга бағишланган кўрсатувлар ва янгилик дастурларида сиёсий масалаларга ажратилди. Ушбу эфир вақтининг 23-59 фоизи турли телеканаллар томонидан амалдаги президентнинг институциявий фаолиятини ёритишга бағишланиб, очиқ-ойдин равишда унга афзаллик берилди³⁶. Ҳозирги кун воқеаларига бағишланган кўрсатувларнинг ҳеч қайсиниси миллий байрам муносабати билан президент сифатида табрик нутқини сўзлаган ва бу нутқи тўлиқлигича эфирга узатилган Президент Каримовдан ташқари бирон-бир номзоднинг тўғридан-тўғри нутқини эфирга узатмади. Бунинг натижасида сайловчилар ажратилган бепул реклама вақтидан ташқарида бошқа номзодларни тинглаш имкониятидан маҳрум бўлдилар. Мониторинг ўтказилган телеканалларнинг барчасидаги янгилик дастурларида номзодлар ҳаммаси тенг равишда ва бир хил усулда ёритилдилар³⁷. Ташвиқот тадбирлари давомида номзодлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари ўртасида ошқор баҳс-мунозалар ўтказилмади.

Матбуот нашрлари томонидан тақдим этилган сайлов масалаларига бағишланган ахборот муқобил шаклларни тақлиф этмади. Гарчи давлат тасарруфидаги газеталар тўрт номзодни тенг равишда ёритган бўлсалар-да, улар ҳам телевидение каби нашр майдонининг салмоқли қисмини амалдаги президентга институциявий лаёқати доирасида бағишлади³⁸. Хусусий “Даракчи”

³⁴ Давлат тасарруфидаги республика бўйлаб эфирга узатадиган телеканаллар номзодларга умумий ҳисобда 15 соат вақт ажратдилар, ҳар бир вилоят телеканали эса уларга умумий равишда 3 соатдан вақт ажратдилар. Давлат тасарруфидаги миллий ва вилоят газеталари тегишли равишда 10 ва 5 саҳифадан майдон ажратдилар.

³⁵ 26 март куни Президент Каримов “Тошкент” телеканалларидаги бепул эфир вақтидан фойдаланди.

³⁶ Мониторинг ўтказилган давр мобайнида “ЎзРепорт ТВ” канали ўзининг ҳозирги кун воқеалари ва янгиликларга бағишланган эфир вақтининг 54 фоизини амалдаги президентга унинг институциявий лаёқати доирасида бағишлади, “Тошкент” канали – 49 фоизни, “Ўзбекистон” канали – 29 фоизни, “Ёшлар” канали эса 23 фоизни бағишладилар. Мазкур кўрсатувларнинг барчаси ижобий (15 фоиз) ёки нейтрал (85 фоиз) руҳда бўлди.

³⁷ Мониторинг ўтказилган телеканалларнинг кўпчилиги тасдиқлашча, барча номзодлар ҳақидаги янгилик кўрсатувлари олдиндан тайёрлаб қўйилган бўлиб, МСКнинг имкониятлардан тенг фойдаланиш бўйича қоидабини бузмаслик мақсадида яхлит бўлимларда эфирга узатилди.

³⁸ Мониторинг ўтказилган давр мобайнида “Правда Востока”, “Народное слово” ва “Халқ сўзи” газеталари сайлов масалаларига бағишланган саҳифаларининг 44, 28 ва 27 фоиз майдонини тегишли равишда амалдаги президентга унинг институциявий лаёқати доирасида бағишлади. Мазкур материалларнинг барчаси ижобий ёки нейтрал руҳда бўлди.

газетаси ўз саҳифаларидаги сайловга оид масалаларга бағишланган икки фоизга яқин нашр майдонида номзодларни тенг равишда ёритишга ҳаракат қилди. Партиялар тасарруфидаги газеталар фақат ўз номзодлари ҳақида материал бердилар. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ муаммоларни очишга қаратилган таҳририят мақолалари ёки таҳлилий ҳисоботлар ёки номзодлар платформаларини қиёслаш каби материалларни кузатмади.

Оммавий ахборот воситаларининг қоидаларга риоя этишини назорат қилиш ваколати марказий даражада МСКга ва вилоят даражаларида ОСКларга берилди. МСК риоя этишни назорат қилиш механизми мавжудлиги ҳақида баёнот берди, аммо ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга ахборот воситаларини кузатиш жойига ташриф қилиш ёки маълумотларга кўра МСК тасарруфида мавжуд бўлган ахборот воситаларининг фаолияти ҳақидаги ҳисоботлар билан танишиб чиқиш имконияти берилмади.

Шикоятлар ва муурожаатлар

Сайлов билан боғлиқ низоларни ҳал қилишнинг турли таркибий қисмлари ҳар хил қонунчилик ҳужжатлари томонидан бошқарилади, бу эса ҳуқуқий асоснинг очиқ-ойдинлигини чеклайди³⁹. Фақат баъзи ҳолатларда қонунчилик шикоятларни очиқ судларда эшитишни ва қарорларни чоп этишни белгилаб беради, ёки сайловга доир низоларни тегишли партиялар иштирокида кўриб чиқишни таъминлайди, бу эса жараён очиқлигини чеклайди. Қонунчилик ҳужжатларида УСКлар ва судлар томонидан сайловга тегишли шикоятларни кўриб чиқиш учун муддатлар белгилаб берилган, лекин ОСКлар ва МСК учун белгиланмаган⁴⁰. Яхши тарафи, қонунчилик ҳужжатлари сайловчиларни рўйхатга олиш билан боғлиқ шикоятларнинг УСКлар томонидан кўриб чиқилиши бўйича аниқ тартибларни белгилаб беради ҳамда уларнинг қарорларини суд орқали қайта кўриб чиқиш имкониятини таъминлайди. Умуман олганда, ҳуқуқий-меъёрий асос сайлов билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш жараёнини атрофлича тартиблаштирамайди ва, шу тариқа, 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ЕХХТ ҳужжатининг 5.10-банди билан талаб қилинган ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситасини таъминлаш учун тегишли асос яратиб беролмайди⁴¹. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ қайд этишича, сайловга доир низоларни ҳал қилиш борасида сайлов расмийларида билим бўлмаслиги билан бир қаторда, сайловчиларнинг хабардорлигини оширишга қаратилган материаллар ва кузатилган куйи даражадаги комиссиялар учун ўқув машғулотлари мазкур мавзунини қамраб олмадилар.

Ушбу сайлов давомида шикоятлар деярли бўлмагани учун сайловга доир низоларни ҳал этиш тизими кўп жиҳатдан текширилмай қолди. Февраль ва март ойларида ҳар бири уч нафар фуқаро томонидан қўллаб-қувватланган икки шикоятда Президент Каримовнинг ЎзЛиДеП томонидан

³⁹ Президент сайлови тўғрисидаги қонун, МСК тўғрисидаги қонун, Сайлов ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун, Фуқаролик процессуал кодекс ҳамда УСКлар учун йўриқномалар бўйича МСК қоидаларида шикоятлар тизими борасида баъзи низомлар мавжуд.

⁴⁰ УСКларга келиб тушган шикоятлар юзасидан қарор қабул қилиш учун беш кун берилган. Агар комиссия кўпроқ текширув ўтказиши керак бўлса, мазкур муддат ўн кунга узайтирилади. Сайлов кунини топширилган шикоятлар дарҳол кўриб чиқилиши лозим. Судларга қарор қабул қилиш учун уч кун берилади, агар шикоят сайловдан сўнг олти кун ичида берилган бўлса қарор дарҳол қабул қилиниши керак.

⁴¹ 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ЕХХТ ҳужжатининг 5.10-бандида “ҳар бир шахс бошқарув органларининг қарорларига қарши эътироз билдириш учун самарали воситаларга эга бўлиши керак” дейилган.

номзоди қўйилиши ҳамда МСК томонидан унинг номзод сифатида рўйхатдан ўтказилиши конституцияга зид келиши борасида эътироз билдирилди. Мазкур шикоятлар Конституциявий Судга, Бош Прокуратурага, Сенатга ва МСКга топширилди. Фуқаролар мурожаатлари тўғрисидаги қонунга мувофиқ МСК мазкур шикоятни уни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органга юбориши ҳамда шикоят берувчини бу ҳақда хабардор қилиши керак эди. Ушбу низомдан келиб чиққан ҳолда, МСК шикоятни Бош Прокурорга юборди, у эса буни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлмагани учун МСКга қайтариб юборди. МСК шикоятни қонунга биноан тегишли инстанция бўлган Олий судга юбормай, фақатгина шикоятчиларга унинг қарорлари юзасидан Олий судга мурожаат қилиш мумкинлиги ҳақида маълумот берди. Шундан кейин уч нафар фуқаро амалдаги президентни номзод сифатида рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги МСК қарори юзасидан 6 март куни Олий судга апелляция топширдилар. Ҳозирги кунга қадар, қонунда белгиланган муддатларни бузган ҳолда, Олий суд жавоб бергани йўқ, бу эса даъвогарларни ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситасидан маҳрум қилди.

Миллий камчиликни ташкил қилувчилар

Миллий камчиликни ташкил қилувчилар Конституция доирасида бошқа фуқаролар билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар⁴². Ўзбекистон ҳукумати томонидан президент сайлови учун тайёрланган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларига мувофиқ республикада 130дан ортиқ миллатлар мавжуд, улар орасида ўзбеклар кўпчилик 83 фоизни ташкил қилади⁴³. Барча тўрт партиянинг парламентга сайланган вакиллари орасида миллий камчиликни ташкил қилувчи аъзолар ҳам бор.

130та миллат вакиллари учун ҳомий ташкилот сифатида фаолият юритувчи Халқаро маданият маркази ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга берган маълумотга кўра, миллий камчиликни ташкил қилувчиларнинг фуқаролик ҳуқуқлари борасидаги муаммолар бўйича улар сиёсий партияларга мурожаат қилмаганлар. Омбудсмен берган ахборотга мувофиқ мамлакатда юқори даражада бағрикенглик мавжуд ва яқин орада камситиш ҳолатлари ҳақида хабарлар бўлмаган.

ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ сайловолди ташвиқот материаллари ўзбек ва рус тилларида бўлганлигини кузатди. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ суҳбатдошлари ваколатли вакиллар билан ўтказилган учрашувларнинг асосий қисми ўзбек тилида бўлганлигини, лекин эҳтиёж туғилганда рус тилидан ҳам эркин фойдаланилганлигини айтиб ўтдилар. Эълон тахталари ва плакатлар ўзбек ва рус тилларида 12 вилоят ва Тошкент шаҳри учун ҳамда қорақалпоқ тилида Қорақалпоғистон Республикаси учун тайёрланди. ЎзХДП ўз партиявий газетасини рус ва ўзбек тилларида чоп этади. Президент сайлови тўғрисидаги қонунга биноан сайлов варақалари (бюллетенлар) ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида чоп этилди.

⁴² Конституциянинг 18 моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, итқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар” дейилган.

⁴³ МСКга мувофиқ бошқа миллат гуруҳларига тожиклар (4,6 фоиз), руслар ва қозоқлар (ҳар бирлари 2,6 фоиздан), қорақалпоқлар (2,2 фоиз), қирғизлар (0,9 фоиз) ва татарлар (0,7 фоиз) киради.

Жамоатчилик ва халқаро кузатувчилар

Қонунга мувофиқ сиёсий партиялар ўз вакилларини тавсия қилишлари мумкинки, улар халқаро кузатувчилар каби барча сайлов комиссиялари йиғилишларида, шунингдек сайлов участкаларида овоз бериш ва овозларни ҳисоблаш жараёнида ҳозир бўлишлари мумкин. Бундай вакиллар ОСКлар томонидан 14 мартгача аккредитация қилинишлари керак. МСК берган маълумотга мувофиқ ОСКлар 35 747 нафар партияларнинг вакилларини аккредитациядан ўтказдилар, улар ичида ЎзЛиДеП, Адолат партияси ва ЎзХДПнинг ҳар биридан 9 003 нафар ҳамда Миллий тикланиш партиясидан 8 738 нафар вакиллар бор эди.

ЕХХТ/ДИИХБ аввалги тавсияларига қарамай, Президент сайлови тўғрисидаги қонун жамоатчилик томонидан кузатув олиб боришни таъминлаб бермаган, бу эса ЕХХТ доирасидаги мажбуриятлар ва халқаро илғор тажрибага мос келмайди⁴⁴. Шу билан бирга, Фукаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти (ФЖШМҚМИ) ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга берган маълумотларга кўра, қонунга мувофиқлигини текшириш учун у барча тўрт нафар номзоднинг ташвиқот тадбирларини мониторинг қилди ва уларнинг учрашувларини кузатди⁴⁵. ФЖШМҚМИ давлат томонидан молиялаштирилладиган ташкилот бўлиб, олинган натижалари ҳақида ҳокимият органларига ҳисобот беради.

ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМдан ташқари МДХ давлатлари, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлиги ташкилоти, Халқаро сайлов органлари уюшмаси ҳамда қатор хорижий сайлов комиссиялари ва Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналардан вакиллар МСК томонидан аккредитация қилиндилар. МСК берган маълумотга кўра, 300дан ортиқ халқаро кузатувчилар аккредитация қилинди.

ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга МСК ёки ОСКларнинг бевосита иштирокисиз институциявий ёки сиёсий арбоблар билан алоқа ўрнатиш эркинлиги берилмади. Бу эса ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ суҳбатдошлари эркин равишда мулоқот қилишлари учун тўсиқлик қилган бўлиши мумкин.

Сайлов куни

ЕХХТ/ДИИХБнинг СКЧМ бўйича андазавий услубиётига мувофиқ миссия сайлов кунидаги жараёнларни атрофлича ва тизимли равишда кузатиб бормади, аммо муайян миқдордаги сайлов участкаларига ташриф буюрди. Овоз бериш давомида ташриф этилган сайлов участкаларининг деярли барчасида ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ кузатувчилари сайловчилар рўйхатларида бир-бирига жуда ўхшаш имзоларнинг кўп маротаба тўп-тўп бўлиб келганлигини, шунингдек бир неча шахслар номидан овоз бериш ҳолатларини қайд этдилар, бу эса овоз бериш ҳуқуқи тенглиги

⁴⁴ ЕХХТнинг 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ҳужжатининг 8-бандида аъзо давлатлар “хорижий ва маҳаллий кузатувчиларнинг мавжудлиги сайловлар бўлиб ўтаётган давлатлар учун сайлов жараёнини яхшилаши мумкинлигини ҳисобга оладилар” дейилган.

⁴⁵ ФЖШМҚМИ 2003 йилда таълим ва ижтимоий соҳадаги муассасалар томонидан ташкил этилган ва, 2010 йилдан буён Президент Каримовнинг “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакатда фукаролик жамиятини шакллантириш концепсияси” ижросини кўллаб келмоқда.

тамойилига зид келади⁴⁶. Ташриф этилган сайлов участкаларидаги ходимлар овоз бериш бўйича процессуал ва ҳуқуқий талабларнинг кўпчилигидан, хусусан бошқа шахслар номидан овоз беришни аниқ таъқиқловчиларидан, хабардор кўринди. Мазкур низомларни эътиборга олмаслик МСК томонидан дастлабки равишда 91 фоиз деб ҳисобот берилган овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг умумий сонига таъсир қилган бўлиши мумкин. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ кузатувчилари шунингдек баъзи ҳолатларда пломбаларнинг сифати яхши бўлмагани учун овоз бериш қутилари тегишли равишда пломбаламаганлигини қайд этдилар. Ташриф этилган сайлов участкаларининг кўпчилигида ваколатга эга бўлмаган шахслар УСК аъзоларига уларнинг вазифаларини бажаришга ёрдам бердилар ёки уларнинг номларидан ҳаракат қилдилар. Булар асосан маҳаллалар вакиллари ва сайлов участкалари жойлашган муассасалар ходимлари эди. Ташриф этилган сайлов участкаларининг камчилигида ногирон сайловчилар учун кириш имконияти яратилган эди.

Сайлов участкаларининг аъзолари очик тарзда фаолият юритдилар ва ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ кузатувчиларига жойларга кириш учун тўлиқ имконият бердилар. Шу билан бирга, ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ кузатувчиларининг мавжудлиги УСК аъзоларининг хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатган кўринади, чунки улар, баъзи ҳолатларда, бир шахсга бир неча бюллетенларни бериш амалиётини тўхтатдилар ёки шахсни аниқлаштирувчи бир неча ҳужжат кўтариб келган сайловчиларни орқга қайтариб юборишни бошладилар. Партиялар вакиллари ташриф этилган сайлов участкаларининг кўпчилигида ҳозир бўлдилар ва бошқа шахслар номидан овоз бериш ҳамда бошқа бузилишларга қаршилик кўрсатмадилар.

Овозларни ҳисоблаш вақтида ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ кузатувчилари ташриф этилган сайлов участкаларининг барчасида жиддий процессуал бузилишларни қайд этдилар. Жумладан, УСКлар кўпинча сайловчилар рўйхатларидаги овоз берувчилар имзоларининг ададини аниқлаштирмадилар ва, шу тариқа, овоз бериш қутиларидан олинган бюллетенлар сони билан солиштирмадилар, бу эса натижаларнинг ҳисобдорлигига салбий равишда таъсир кўрсатди⁴⁷. Улар кўп ҳолатларда натижалар бўйича баёноتلарни тўлдиришда қийинчиликларга учрадилар, қисман ҳисоблаш тартибларини яхши билмаганликлари учун ва, кўпроқ даражада, бюллетенларни солиштиришга доир ҳуқуқий талаблар ва тартибларни эътиборга олмаганликлари учун. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ кузатувчилари ташриф этган 5та ОСКларда якуний натижаларни сарҳисоб қилиш изчил равишда амалга оширилмади, гарчи натижалар бўйича баёноتلарнинг сони тўғриланиши керак бўлса ҳам.

Ушбу ҳисоботнинг Инглиз тилидаги матнигина расмий ҳужжат ҳисобланади. Унинг Ўзбек ва Рус тилидаги норасмий таржималари мавжуд.

⁴⁶ ЕХХТнинг 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ҳужжатининг 7.3-бандида ЕХХТ иштирокчи давлатлар зиммасига “балоғатга етган фуқаролар учун умумий ва тенг овоз бериш ҳуқуқини кафолатлаш”ни юклаган. ЕХХТнинг 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ҳужжатининг 7.4-бандида эса ЕХХТ иштирокчи давлатлар зиммасига “овозлар махфий тарзда ёки шунга тенг эркин овоз бериш тартибда берилишини кафолатлаш” юклаган. Шунингдек қаранг: БМТ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21.3-моддаси ҳамда ФСХТХПнинг 25(b)-моддаси.

⁴⁷ ЕХХТнинг 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ҳужжатининг 7.4-бандида овозлар “ҳалол равишда ҳисобланиши ва эълон қилиниши ҳамда расмий натижалар оммага тақдим қилиниши керак”лиги мажбурияти белгиланган.

МИССИЯ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ ВА МИННАТДОРЧИЛИКЛАР

ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ ўз фаолиятини 23 февраль куни Тошкент шаҳрида бошлади. Тана де Зулуэта бошчилигидаги миссия таркибига Тошкент шаҳрида фаолият олиб борган асосий гуруҳнинг 11 нафар аъзоси ҳамда республика бўйлаб сафарбар этилган 10 нафар узоқ муддатли кузатувчилар кирди. СКЧМ аъзолари ЕХХТда иштирок этувчи 18та мамлакат вакилларида ташкил топди.

Кузатувчилар сайловни кузатиш борасида юборган таклифи учун ҳукуматга, шунингдек кўрсатган ёрдамлари ва ҳамкорликлари учун МСК, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда ОСКларга ўз миннатдорчиликларини изҳор этадилар. Бундан ташқари кузатувчилар ўз фикрлари билан алмашган сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда бошқа суҳбатдошларга ўз ташаккурларини билдирадилар.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги шахсларга мурожаат қилишингиз мумкин:

- Тана де Зулуэта, ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ раҳбари, Тошкентдаги телефон рақами (+998) 90 990 10 83
- ЕХХТ/ДИИХБ матбуот котиби Томас Раймер (+48 609 522 266), ёки Александр Шлик – Сайлов бўйича маслаҳатчи, Варшава (+48 22 520 0600).

ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ манзили:

Тошкент шаҳри

Миробод тумани 100700

Чехов кўчаси, 32.

ИНКО Бизнес Маркази, 6-қават.

www.osce.org/odihr/elections/uzbekistan